

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

48 Ваколатли банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларнинг юритилиши Тартибига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-5

(2010 йил 14 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 232-сон билан тасдиқланган «Ваколатли банкларда чет эл валютасидаги ҳисобварақларнинг юритилиши Тартиби»га (рўйхат рақами 511, 1998 йил 22 октябрь) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк
раиси в.в.б.**

Қ. РОФИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 26 декабрь,
38/12-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.